



## Оила дискурсида миллий менталликнинг акс этиши

Азимова Шахриноз Икромовна  
Бухоро давлат университети докторанти  
Email: shahrinoz.8882@gmail.com

**Аннотация:** Уибубу мақолада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги мулоқот дискурсив фаолият сифатида таҳлил қилинган. Оила дискурсининг замонавий тилишунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши ва унда миллий менталликнинг акс этиши масалалари ўрганилган.

**Калим сўзлар:** оиласи мулодот, дискурс, миллий менталлик, нутқий акт.

Ўзаро муносабат ва нутқий таъсир шакллари ҳар бир шахснинг жамият аъзолари билан олиб борадиган фаолияти сифатида намоён бўлади. Чунки ҳар қандай иш аввало, инсондан атрофдагилар билан тил топишиш, маълумот узатиш ёки қаъбул қилиш, фикр алмашиниш каби мураккаб ҳамкорликни талаб этади.Ҳаттоқи, шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг мувафаққияти, обрўси унинг мулоқотга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир. Бир қарашда осонга ўхшаб кўринган шахслараро мулоқот жараёни аслида жуда мураккаб лингвистик ҳамда психологик ҳодиса бўлиб, унга инсон ҳаёти давомида ўрганиб боради. Тилшунослиқда мураккаб ва кўп киррали ҳодиса сифатида қараладиган нутқий фаолият ёки нутқий мулоқотнинг шаклланишида оила ва оила аъзолари ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти бекиёсдир. Чунки инсон фаолиятининг руҳий ҳамда маънавий асоси натижасида юзага келадиган, ижтимоий эҳтиёжлар билан биргаликда намоён бўладиган мулоқот жараёнининг асосий қисми оилада, оила аъзолари ўртасида кечади.

Оила бу унда яшовчи шахсларнинг лингвистик малакасини таъминлайдиган, прагматик “базани” яратишдаги энг муҳим жой бўлиб, у шаклланган лингвистик қобилиятиларни жамиятга кўчиб ўтишига имкон беради.Чунки бизнинг дастлабки тил тажрибаларимиз оилада шаклланади, ҳолбуки биз тилни ўрганмай туриб жамиятга кириб бора олмаймиз.[2]Шу нуқтаи назардан, оила тил жамиятининг асосий бирлиги бўлиб хизмат қиласи. Оиланинг ўзига хос лингвистик ва прагматик талаблари, ижтимоий роллари борки, уларни ўзлаштириш орқали кенгроқ ижтимоий оламга кириб борамиз. Бизни айнан шу лингвистик ва прагматик воситалар билан таъминловчи макон бу – оиладир.

Оила дискурси эса ота-она ва фарзандларнинг биргаликдаги фаолияти давомида амалга ошириладиган ўзаро муносабатларнинг энг муҳим ва амалий шакли ҳисобланган оиладаги ўзаро мулоқот жараёнидир.[3] Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг миллий характерига хос бўлган маънавий ва иродавий хусусиятлари, дунёқарашимииллатнинг она тили орқали оила дискурсида намоён бўлади. Ўзбек оила дискурсида ҳам халқимизнинг ота-она ва оиланинг ёши улуғ аъзоларига бўлган хурмат-эътибори, фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббати мулоқот тамойилларида яққол намоён бўлади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида Отабекнинг ота-онаси Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойимлар билан кечган сұхбатидаги қуидаги жумлани олайлик.

- Ўзлим, ҳали сен эшийтдингми, йўқми ҳайтоворуз биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдиқ...
- Ақдлик кишиларнинг ўгуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас.



Ушбу сұхбатда Отабек ота-онасининг максад муддаосини тушуниб турған бўлсада, уларнинг хурматини сақлагани ҳолда, билдирадиган жавобини билвосита нутқий акт орқали ифодалашга ҳаракат қиласди.

Навбатдаги мисол Ўлмас Умарбековнинг “Қизимга мактублар” асаридан олинган бўлиб, отанинг фарзандига мурожаати маслаҳат мазмунли нутқий актлар орқали ифодаланган.

- *Бу дунёда онингчалик сенга меҳрибон, яқин, азиз, сендан жонини ҳам аямайдиган инсон йўқ. Бирга бўл, ёлғизлатиб қўйма. Асра. Иккинчи маслаҳатим, давр ўзгариб кетди, қадриялар ўзгарди, лекин ҳамма даврда ҳалол меҳнат, поклик, одамийлик қадрланган, шу ёдингда бўлсин!*

Ўзбек оила дискурси учун экзерситив нутқий актларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, экзерситивларнинг маслаҳат ва буйруқ мазмунли нутқий акт турлари энг кўп қўлланилади.[1]

Оила дискурсида болалар билан сұхбатларнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжудки, бунда нутқ иштирокчилари (ота-оналар) мулоқот вазиятига кўра турлича нутқий стратегия ва тактикаларни қўллашади.

- *Кечқурун нима овқат қилиб қўйай?*
- *Болалар нима дейди?*
- *Ош! (қичқиради болалар)*
- *Бўпти, болалар нима деса шу!*

Оила дискурси халқнинг лисоний маданиятини ўзида тўлиқ қамраб олганлиги билан бошқа дискурсив фаолият турларидан ажралиб туради. Оилавий мулоқотни дискурсив фаолият сифатида таҳлил қилиш орқали шу тилга хос миллий менталитет, маданият ва социолингвистик хусусиятларни очиб бериш мумкин. Бу каби изланишлар оила дискурси билан боғлиқ янгидан-янги тадқиқотларга йўл очиши шубҳасизdir.

## АДАБИЁТЛАР

1. Azimova Shahrinaz Ikromovna. *Types of speech acts and its' studying in linguistics.*// Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2021. - № 6. Б 109-115.
2. Байкулова А.Н. *Речевое общение в семье.* – М:, 2006. С-19.
3. Clancy B. *Harry up baby son, all the boys is finished their breakfast. A socio-pragmatic analysis of Irish settled and Traveller family discourse.* University of Limerick, 2010. – p255
4. Расулов, З. И. (2011). Синтаксический эллипсис как проявление экономии языка): автореферат дисс..кандидатафилологическихнаук/РасуловЗубайдуллоИзомович.- Самарканд, 2011.-27 с.
5. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=BMFYYzIAAAAJ&citation\\_for\\_view=BMFYYzIAAAAJ:UeHWp8X0CEIC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=BMFYYzIAAAAJ&citation_for_view=BMFYYzIAAAAJ:UeHWp8X0CEIC)
6. Saidova, M. U. (2019). Lexical Stylistic Devices and Literary Terms of Figurative Language. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN, 2277-3878. <https://www.ijrte.org/wp-content/uploads/papers/v8i3S/C10541083S19.pdf>.